

 <https://doi.org/10.63241/2026135akhv>

УЎТ: 631.51., 631.54., 633.11.

## КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НИНГ ЯНГИ “ШУКРОНА” НАВИДА ҲОСИЛ СТРУКТУРАСИНИНГ СУҒОРИШЛАР СОНИГА КЎРА ЎЗГАРИШИ

Узақов Гуломжон Оқбутаевич 

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти лаборатория мудир,  
қ.х.ф.ф.д., к.и.х.

**Аннотация.** Мақолада Республиканинг жанубий минтақаси шароитида маҳаллий кузги юмшоқ буғдойнинг янги “Шукрона” навини етиштиришда мақбул суғоришлар сони ёритилган. Олиб борилган тажрибалар нанижаларига кўра хулоса қилиш мумкинки кузги буғдойнинг Шукрона навини етиштиришда суғоришлар сонининг ортиб бориши билан умумий ва маҳсулдор поялар сони ортиб бориши аниқланган. Маҳаллий кузги буғдойнинг Шукрона навини баҳорда 3 марта суғориш бошоқ ўлчамларига ижобий тасир кўрсатиб, тўрт марта суғорилиши бошоқ кўрсаткичларини ошишига олиб келмаслиги кузатилган.

**Калит сўзлар:** кузги буғдой, уруғ, нав, Шукрона, суғоришлар сони, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони, бошоқдаги донлар оғирлиги.

**Аннотация.** В статье описано оптимальное количество поливов для выращивания нового местного сорта мягкой озимой пшеницы «Шукрона» в условиях южного региона республики. По результатам проведенных экспериментов было установлено, что количество общих и продуктивных стеблей увеличивается с увеличением частоты полива при выращивании озимой пшеницы сорта Шукрона. Было отмечено, что 3 полива местной озимой пшеницы сорта Шукрона весной оказывали положительное влияние на размер колоса, в то время как 4 полива не приводили к увеличению показателей колоса..

**Ключевые слова:** озимая пшеница, семена, сорт, Шукрона, количество поливов, длина колоса, количество зерен в колосе, вес зерен в колосе.

**Abstract.** This article describes the optimal irrigation schedule for growing the new local soft winter wheat variety "Shukrona" in the southern region of the republic. Experiments revealed that the number of total and productive stems increases with increasing irrigation frequency when growing the Shukrona winter

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

wheat variety. Three irrigations of the local Shukrona winter wheat variety in spring were found to have a positive effect on ear size, while four irrigations did not result in any increase in ear size.

**Key words:** winter wheat, seeds, variety, Shukrona, number of irrigations, ear length, number of grains in an ear, weight of grains in an ear

### КИРИШ

Қишлоқ хўжалиги учун сув танқислиги, умуман иқтисодий ривожлантиришда жиддий муаммога айланиши мумкинлиги ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Мавжуд вазиятга қараб мослашиш, яъни янги имкониятларни топиш, ушбу соҳага илмий ёндашган ҳолда сув ресурсларидан максимал даражада унумли фойдаланиш зарур. Бу борада аграр соҳада сувсизликка чидамли навларни яратиш, сувни кўп талаб қиладиган экин турларини экишни чегаралаш ва суғоришни экинлар талабидан келиб чиқиб ташкил этиш ҳамда сув тежамкор агротехнологияларни жорий қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Юртимизда ҳам ресурслар ҳажмини ошириш имконияти чекланганлиги боис мавжуд сув захираларидан имкон қадар самарали фойдаланиш доимий эътиборда. Бу борада замонавий сув тежамкор технологиялардан фойдаланиш муаммога муносиб ечим ҳисобланади. Сув ресурслари етишмаслиги шароитида кам сув сарфлаб барқарор юқори ҳосил олиш имконини берувчи янги замонавий технологияларни жорий этиш билан аҳамиятлидир.

Шунингдек, минтақаларда сув ҳажмининг қисқариши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштиришда қийинчиликлар туғдиради, бу эса ўз навбатида озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг қисқаришига олиб келади ва озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид солади. Сув – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий ресурсларидан биридир, лекин турли экинлар оптимал ўсиш учун турли миқдорларни талаб қилади. Сув ресурсларнинг 70% қишлоқ хўжалигида сарфланади. Буғланниш коеффитсентининг юқорилиги қишлоқ хўжалигининг сувсиз ривожланишига имкон бермайди, шунинг учун бу соҳада кўп сув ишлатилади. Кейинги йилларда юртимизда ушбу масалага бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки сув манбалари қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, айниқса, сувни тежаш мамлакатга иқлим ўзгаришига мослашиш ва сувининг камайиши, ёғингарчилик миқдорини ва қурғоқчилик хавфининг ошиши каби салбий таъсирни юмшатишда муҳим ҳисобланади.

Юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum* L.) дунёдаги энг муҳим дон бўлиб, бошқа озиқ-овқат экинларига қараганда ер юзасининг катта қисмини эгаллайди [3].

Garrido-Lestache E. ва бошқалар томонидан (2004) баҳорги сув етишмовчилиги ўсимликда (азот) N тўпланишини ва унинг дон таркибига ўтишини камайтириши мумкинлиги, шу билан оқсил тўпланиши ва дон

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

сифатини пасайтириши таъкидланган бўлса, Z. Flagella ва бошқалар (2010) томондан, донни тўлдириш пайтида сув танқислиги доннинг технологик сифатини яхшилайдиган дон таркибидаги клейковина миқдорини ошириши мумкинлиги баён этилган [5, 4].

Б.М.Халиков, Н.Ғ.Ёдгоровлар томонидан (2017) суғориш меъёрларининг кузги буғдой навлари дон ҳосилдорлигига таъсири ўрганилганда, уруғлар эрта муддатда экилганда суғориш тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-75-60% да дон ҳосилдорлиги 34,3-69,0 ц/га, ЧДНСга нисбатан 75-80-70% бўлганда 34,7-77,6 ц/га, уруғлар оптимал муддатда экилганда эса мос равишда дон ҳосилдорлиги 34,6-72,4 ц/га бўлиши кузатилган [2].

Т.У.Атакуловнинг таъкидлашича, кузги буғдой суғориш тартибини асосини нам тўплайдиган суғоришлар ташкил этади. Суғоришлар амалга оширилиши натижасида кузги буғдой дон ҳосили 1,5-2,0 марта, қурғоқчилик йиллари 3-4 марта ортиши кузатилган [1].

### МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тадқиқотлар Республиканинг жанубий минтақаси Қашқадарё вилояти оч тусли бўз тупроқлар шароитида Қарши тумани С.Рахимов ҳудудида жойлашган Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти тажриба участкасида кузги юмшоқ буғдойнинг Шукрона нави мисолида суғоришлар сонининг дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб борилди.

Дала тажрибалари Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услубий қўлланмаси (1985) асосида амалга оширилган. Фенологик кузатувлар ва биометрик таҳлиллар эса Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг услубий қўлланмаси (1989) бўйича олиб борилган.

Тажриба даласида етиштирилган донли экинлар донининг технологик сифат кўрсаткичлари Ўз ДСТ 880:2015 талаблар асосида намуна олиш ГОСТ 13586.3-83, 1000 дона дон вазни ГОСТ 10842-89, дон натураси ГОСТ 10840-64, шишасимонлик даражаси ГОСТ 10987-76, оқсил миқдори ГОСТ 10846-91, клейковина миқдори, сифати (ИДК) кўрсаткичлари ГОСТ 13586.1-68 бўйича аниқланди. Тажриба натижаларининг математик-статистик таҳлиллари Б.А.Доспехов (1985 й.) услуби асосида амалга оширилди.

### НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Бошоқли дон экинларидан юқори ва барқарор ҳосил етиштиришда майдон бирлигида ҳосил бўладиган бошоқлар сонига боғлиқ бўлиб муҳим аҳамият касб этади.

Тажрибаларимизда суғоришлар сонининг майдон бирлигида ҳосил бўладиган умумий ва махсудор поялар сонига таъсири таҳлил қилинганда

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

фақат уруғ суви берилган вариантларда бир кв.метр майдондаги умумий поялар сони 384,0 донани, шундан маҳсулдор поялар сони 300,3 донани ташкил қилган бўлса, уруғ суви+кузги суғориш (ФОН) амалга оширилган вариантда умумий поялар сони 413,3 донани ва маҳсулдор поялар сони 340,7 донани, ФОН+баҳорда икки марта суғорилганда умумий поялар сони 443,0 донани ва маҳсулдор поялар сони 375,7 донани, ФОН+баҳорда уч марта суғорилган вариантларда умумий поялар сони 498,7 донани ва маҳсулдор поялар сони 406,7 донани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич ФОН+баҳорда тўрт марта суғорилганда эса умумий поялар сони 536,7 донани ва маҳсулдор поялар сони 426,3 донани ташкил қилганлиги аниқланди (1-жадвал).

Тажриба натижаларига кўра суғоришлар сонининг ортиб бориши билан умумий ва маҳсулдор поялар сони суғоришлар сонининг ортиб бориши билан юқори бўлиши қайд қилинди.

*1-жадвал*

### Кузги юмшоқ бўғдой нинг янги “Шукрона” навида ҳосил структурасининг суғоришлар сонига кўра ўзгариши

Вариантлар	Умумий поялар сони, дона/м <sup>2</sup>	Маҳсулдор поялар сони, дона/м <sup>2</sup>	Бир бошоқ ўлчамлари			
			Бошоқ узунлиги, см	Бир бошоқдаги бошоқчалар сони, донани	Бир бошоқдаги донлар сонни, донани	Бир бошоқдаги донлар оғирлиги, г
1. Уруғ суви	384,0	300,3	10,1	15,0	42,0	1,47
2. Уруғ суви + кузги суғориш (ФОН)	413,3	340,7	10,2	16,3	44,3	1,64
3. ФОН + 2 суғориш	443,0	375,7	10,9	17,7	58,7	2,35
4. ФОН + 3 суғориш	498,7	406,7	11,4	18,3	61,7	2,59
5. ФОН + 4 суғориш	536,7	426,3	11,5	19,0	60,7	2,49

Суғоришлар сонининг бошоқ ўлчамларига таъсири таҳлил қилинганда уруғ суви берилган вариантларда бош бошоқ узунлиги 10,1 см.ни, бошоқчалар сони 15 донани, бир бошоқдаги донлар сони 42,0 донани ва бир бошоқдаги дон оғирлиги 1,47 граммни ташкил қилган бўлса, уруғ суви+кузги суғориш(ФОН) амалга оширилганда бошоқ узунлиги 10,2 см.ни, бошоқчалар сони 16,3 донани, бир бошоқдаги донлар сони 44,3 донани ва бир бошоқдаги дон оғирлиги 1,64 граммни, ФОН+баҳорда икки марта суғорилганда эса бошоқ узунлиги 10,9 см.ни, бошоқчалар сони 17,7 донани, бир бошоқдаги донлар сони 58,7 донани ва бир бошоқдаги дон оғирлиги 2,35 граммни, ФОН+баҳорда уч марта суғорилган вариантларда бошоқ узунлиги 11,4 см.ни, бошоқчалар сони 18,3 донани, бир бошоқдаги донлар сони 61,7 донани ва бир бошоқдаги

## AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

дон оғирлиги 2,59 граммни, ФОН+баҳорда тўрт марта суғорилган вариантларда бошоқ узунлиги 11,5 см.ни, бошоқчалар сони 19,0 донани, бир бошоқдаги донлар сони 60,7 донани ва бир бошоқдаги дон оғирлиги 2,49 граммни ташкил қилганлиги қайд қилинди.

### ХУЛОСА

Олиб борилган тажрибалар натижаларига кўра кузги буғдойнинг Шукрона навида умумий поялар сони 384,0-536,7 донани, маҳсулдор поялар сони 300,3-426,3 донани ташкил этиб, суғоришлар сонининг ортиб бориши билан умумий ва маҳсулдор поялар сони ортиб бориши аниқланди.

Кузги буғдойнинг Шукрона навини баҳорда 3 марта суғориш бошоқ ўлчамларига ижобий тасир кўрсатиб, бир бошоқдаги донлар сони 61,7 донани, бошоқдаги донлар оғирлиги 2,59 граммни ташкил этди ва тўрт марта суғорилиши бошоқ кўрсаткичларини ошишига олиб келмаслиги аниқланди.

Маҳаллий кузги юмшоқ буғдойларидан юқори ҳосил олишда уруғ суви ва кузги суғориш билан бирга баҳор мавсумида 3 марта суғориш тавсия этилади.

### АДАБИЁТЛАР

1. Атакулов Т.У. Влияние режима орошения на урожайность озимой пшеницы в условиях типичных сероземных почвах. Ташкент.: 2000. – 22 с.
2. Халиқов Б., Ёдгоров Н. –Кузги буғдой навларининг дон ҳосилдорлигига таъсир этувчи омиллар. Агро илм. 6 (50), 2017 й 22-23 бетлар.
3. Chandra P, Gill SC, Prajapat K, Barman A, Chhokar RS, Tripathi SC, Singh G, Kumar R, Rai AK, Khobra R. Response of wheat cultivars to organic and inorganic nutrition: Effect on the yield and soil biological properties. Sustainability. 2022;14(15): 75-78.
4. Flagella Z., Giuliani M.M., Giuzio L., Volpi C., and Masci S., “Influence of water deficit on durum wheat storage protein composition and technological quality,” European Journal of Agronomy, vol. 33, no. 3, pp. 197–207, 2010.
5. Garrido-Lestache E., Lypez-Bellido R. J., and Lypez-Bellido L., “Effect of N rate, timing and splitting and N type on bread-making quality in hard red spring wheat under rainfed Mediterranean conditions,” Field Crops Research, vol. 85, no. 2-3, pp. 213–236, 2004.